



# XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqqa boshlagan

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2015-yil 6-avgust, payshanba, 32 (612)-son

e-mail: [xxi\\_asr@mail.uz](mailto:xxi_asr@mail.uz), web sayt: [www.21asr.uz](http://www.21asr.uz)



## БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Куни кеча О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кенгайтирилган қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимизнинг 2015 йил 17 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан партия тузилмалари олдида турган долзарб вазифалар, жойларда амалга оширилаётган тарғибот тadbирларининг таъсирчанлигини таъминлаш хусусида атрофлича сўз юритилди



Соллик, ЗОИР отган сурат

## МУЛК ҲАМ, МУЛКДОРЛАР ҲАМ МУСТАҚИЛЛИК МЕВАСИДИР

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси, фракция раҳбари Соҳибжон Турдиев йиғилишни очар экан, мустақиллик миллий давлатчилигимиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва кадр-қим-

матимизни тиклаш, урф-одат ва анъаналаримиз, буюк аجدодларимизнинг табарруқ номларини улуғлаш, соғлом ва баркамол янги авлодни вояга етказишда ил-гари тасаввур ҳам қилиб бўлмай-

диган беқиёс имкониятлар яратиб берганини алоҳида таъкидлади. Зеро, мулкдорлар синфи манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати

— Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳам айнан мустақиллик шарофатидир. Шунинг учун ҳам биз етакчи сиёсий куч вакиллари сифатида юртимизда тарихан қисқа муддатда эришилган

улкан муваффақиятлар ва амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар самараларини алоҳида эътироф этамиз.

2

### АВГУСТ ОЙИ ПАХТА РИВОЖИДА, ҲОСИЛ ТЎПЛАШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ФАСЛДИР

3

### Долзарб мавзудаги семинар

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан тadbиркорлик соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг вақтли матбуотда ёритилишини янада яхшилашга қаратилган «Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликнинг мамлакатимиз иқтисодий тараққиётидаги ўрни» мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди

Анжуманда таъкидланганидек, бугун иш билан банд аҳолининг 76,7 фоиздан ортиги хусусий бизнес субъектларида меҳнат қилаётир. Мамлакатимизда йилгига ўрта ҳисобда 5-6 мингта кичик хусусий корхона ташкил этилмоқда. Шаҳарларда эса жами корхоналарнинг деярли 80 фоизи нодавлат сектор ҳиссасига тўғри келади.

Лекин ОАВ аксарият ҳолларда мавжуд хусусий корхоналар ва уларда қанча иш ўринлари яратилаётгани каби кичик хабарларни чоп этиш билан чегараланиб қолмоқда. Замонамиз қаҳрамонлари ҳисобланмиш ишбилармонлар портретларини яратиш орқали уларни маънавий қўллаб-қувватлашга айрим ихтисослашган нашрларни инobatта олмаганда етарли даражада эътибор қаратилмаепти.

— Иқтисодиёт таянчига айланган тadbиркорлик субъектлари фаолиятини кенг тарғиб этишда етарли малакага эга бўлган журналистларнинг ўрни муҳимдир. — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Гулшана Худоёрова. — Шу боис бундай анжуманларда журналистларнинг соҳага оид билим ва тажрибаларини янада оширишга эътибор қаратилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Семинар-тренингда журналистлар соҳа ривожига алоқадор идоралар вакилларининг маърузаларини тинглаб, ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида

6 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси очилади

Ялпи мажлис арафасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда бўлғуси ялпи мажлисни ўтказишга тайёргарлик тўғрисида ишчи гуруҳ раҳбарининг ахбороти тингланди.

Сенат кўмиталарининг раислари ўтказилган кўмита мажлислари тўғрисида ҳамда учинчи ялпи мажлис муҳокама-сига киритилган қонунлар бўйича хулосаларнинг ҳамда бошқа масалалар бўйича қарор лойиҳаларининг тайёрлиги ҳақида маълумот бердилар, ялпи мажлис ишини ташкил этиш бўйича ўзаро фикр алмашдилар.

Кенгаш мажлисида қайд этилганидек, Сенатнинг бўлғуси ялпи мажлисида 11 та масала, шу жумладан, 6 та қонун қўриб чиқиши кутилмоқда.

Кенгаш аъзолари қайд этганларидек, мажлис кун тартибига иқтисодий-сиёсий, социал, иқтисодий, бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида аҳамияти катта бўлган қонун ҳужжатлари киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тadbирлари тўғрисида»ги фармонини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тadbиркорлик субъектларини ишончли

ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қўриб чиқиши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бўлажак ялпи мажлисининг муҳим масалаларидан бири бўлади.

Мажлис давомида таъкидлаб ўтилганидек, мазкур қонуннинг қабул қилиниши хусусий мулкнинг ишончли ҳимоя қилинишини янада кучайтириш, тadbиркорликни ривожлантириш йўлидаги ғов ва тўсиқларни олиб ташлаш, тadbиркорлик субъектларига берилган имтиёзлар ва преференциялар сўзсиз қўлланилиши таъминланишига, тadbиркорлик субъектларининг фаолиятига тўсиқлик қилганлик ва қонунга хилоф равишда аралашганлик учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат органларининг ҳамда бошқа давлат органлари мансабдор шахслари жавобгарлигининг муқаррарлиги таъминланишига олиб келади.

Кенгаш аъзоларининг фикрича, кун тартибига киритилган «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни мамлакатимизда ишчанлик муҳити оширилишини таъминловчи, жамоа бўлиб инвестиция қилиш самарали тизими яратилиб, аҳоли ҳамда ҳужалик юритувчи субъектлар ва тadbиркорлар учун вақтинча бўш турган маблағларни турли устувор инвестиция лойиҳаларига киритиш имконини берувчи ташкилий-ҳуқуқий механизмлар

яратилишига ёрдам беради.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокама-сига киритилаётган «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги (янги тахрири), шунингдек, «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг долзарблиги ҳамда муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтилди. Кўрсатиб ўтилган қонунлар жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг, аҳолини, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия машғулотирига оммавий жалб этишнинг, бу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш самарадорлигини оширишнинг, шунингдек, санитария, касалликларни олдини олиш, аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада ривожлантиришнинг муҳим омилли бўлиб қолади.

Бундан ташқари, Сенат аъзолари конституциявий ваколатларига мувофиқ ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2014 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тинглайдилар.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатига киритилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

### КЕЧАГИ ВА БУГУНГИ ЙЎЛЛАР

#### XXIV КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК?

Донишмандлар инсон умрини икки эшик орасидаги йўлга қиёслашади. Бу дунёда одам бир йўловчи. Ҳаёт чизиқлари эса турфа йўللарда кесишади. Умр китобининг учмас саҳифалари ҳам босиб ўтилган йўللар таассуротлари билан қизиқарлидир. Аждодларимиз эришилган муваффақиятлар, чекилган заҳматлар қийматини довлонлар билан баҳолаб келганлар. Демак, йўللар тарих зарварақлари ҳамдир

Талабалик пайтимизни, аниқроғи, чорак аср аввалги ҳолатни кўз олдимга келтирсам, бутунлай бошқача манзара намён бўлади. Пойтахтдан Қашқадарёга бориб-қайтишдаги қийинчиликлар, йўللардаги ўнқир-чўнқирлик, қиялик ва кескин бурилишлардан кўз узолмас, то текис йўлга тушиб олмагунимизча юракдан хавотир аримасди. Бугун эса тамоман бошқача манзара. Кенг ва раvon йўللардан, қушдай учиб бораётган машиналар ҳаракатидан беихтиёр завққа тўласиз.

Йўлларида кесимида, аниқроғи, чорак аср аввалги ҳолатни кўз олдимга келтирсам, бутунлай бошқача манзара намён бўлади. Пойтахтдан Қашқадарёга бориб-қайтишдаги қийинчиликлар, йўлларидаги ўнқир-чўнқирлик, қиялик ва кескин бурилишлардан кўз узолмас, то текис йўлга тушиб олмагунимизча юракдан хавотир аримасди. Бугун эса тамоман бошқача манзара. Кенг ва раvon йўлларида, қушдай учиб бораётган машиналар ҳаракатидан беихтиёр завққа тўласиз.

нинг қон томирлари сифатида таъриф берилиши ҳам бежиз эмас. Тасаввур қилиб кўринг: республикамиздаги катта-кичик йўللарида бир кеча-кундузда қанчадан-қанча юк ташилади. Бир ҳафтада, бир ойда, бир йилда-чи?.. Йўл қуриш қадимдан энг савоб юмуш ҳисобланган. Шу боис бундай эзгу амаллар истиқлол йилларида ўзгача мазмун-моҳият касб этди. Ўтган даврда мамлакатимизда йўлсозлик соҳасида асрларга татигулик улкан ишлар амалга оширилди.

Йўлларида иқтисодиёт-

3

### БУГУНГИ СОНДА:

#### ИСЛОХОТ Электорат экспертизаси



2

#### ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

#### Ваколат — масъулият дегани



4

#### БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА Бизни партиямиз ғоялари жипслаштирамоқда



5

#### ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ Тўйга тўёна билан



7

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти  
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 4 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоржий валюталарнинг сумма нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:\*)

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

1 Австралия доллари	1883,28	1 АҚШ доллари	2580,19	1 Хитой юани	415,52	1 Польша злотийси	683,58	1 EBPO	2841,87
1 Англия фунт стерлинги	4031,29	1 Миср фунти	329,53	1 Россия рубли	42,76	1 СДР	3598,59	10 Жанубий Корея вони	22,18
1 Дания кронаси	379,82	1 Исландия кронаси	19,25	1 Украина гривнаси	122,13	1 Туркия лираси	931,17	10 Япония иенаси	208,11
1 БАА дирҳами	702,47	1 Канада доллари	1967,51	1 Малайзия ринггити	672,45	1 Швейцария франки	2674,05		

# МУНОСАБАТ

## МУЛК ҲАМ, МУЛҚДОРЛАР ҲАМ МУСТАҚИЛЛИК МЕВАСИДИР

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼



Давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон маъмурий-буйруқбозлик тизимидан, бирёқлама ривожланган ночор иқтисодиётдан бутунлай воз кечиб, бутун дунёда «Ўзбек модели» сифатида тан олинган, машҳур беш тамойилга асосланган тараққиёт йўлидан дадил одимлаётгани бугунги ютуқларнинг бош омилдир, десак асло муболаға бўлмайди. Мазкур тамойилларга таянган ҳолда айни пайтда «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» ғояси ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Йигирма тўрт йиллик мустақил ривожланиш даврида қилинган ишларни таҳлил қилар эканмиз, «Ўзбек модели» асосида изчил амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар замирида инсон ва унинг манфаатлари ўз ифодасини топганига тўла ишонч ҳосил қиламиз. Таъбир жоиз бўлса, 2008 йилда бошланган, ҳатто мана-ман деган давлатлар иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатган жаҳон молиявий инқирози шароитида мамлакатимизнинг барқарор ривожланаётгани Юртбошимиз ишлаб чиққан тараққиёт йўлининг нақадар тўғри ва ҳаётий эканини тасдиқлаб турибди.

Тан олишимиз керак: Ўзбекистонда амалга оширилаётган фаол инвестицион сиёсат, иқтисодиёт тармоқларини модернизация ва диверсификациялаш, экспортга йўналтирилган янги корхоналарни ташкил этиш, ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва транспорт коммуникацияларини замонавийлаштириш жараёни ўз навбатида иқтисодиётимизнинг барқарор ва мутаносиб ривожланишига хизмат қилмоқда.

Бугунги Ўзбекистон аввалги аграр республикадан иқтисодиётда саноатнинг улуши 25 фоизга етган, экспортбоп ва рақобатбардош маҳсулотларнинг 60 фоиздан ортиги юқори технологияларга асосланган соҳаларда ишлаб чиқарилаётган, куч-қудрати ва салоҳияти тобора юксалиб бораётган индустриал мамлакатга айланган.

Ўтган давр мобайнида иқтисодиётимизга 190 миллиард доллар ҳажмидаги инвестициялар, жумладан, 65 миллиард доллардан ортиқ хорижий сар-

**Йиғилиш иштирокчилари бу борадаги тадбирларни тизимли ташкил этиш, жойлардаги ташвиқот ишларини янада кучайтириш, бунда чекка қишлоқларни ҳам қамраб олиш мақсадида Ижроия қўмита ва ҳар бир ҳудудий кенгаш ҳузурида партия фаоллари, маҳаллий депутатлар, партияга аъзо олим ва адиблар, хусусий тадбиркор ҳамда илғор фермерлардан иборат тарғибот гуруҳларини тузишга келишиб олдидлар. Президентимиз томонидан белгилаб берилган «Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган амалий учрашувлар, давра суҳбатлари ва жонли мулоқотлар ташкил этишда қарорда акс эттирилган ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида-алоҳида таъсирчан тадбирлар уюштириш мақсада мувофиқ, деган хулосага келдилар.**

мояларни жалб этиш ҳисобидан биз учун мутлақо янги бўлган автомобилсозлик, нефть ва газ кимёси, нефть-газ машинасозлиги, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маийш электроника, фармацевтика каби соҳа ва тармоқларга асос солинди. Яқин ўтмишда эса ушбу рўйхат асосини пахтачилик ва пахтачи қайта ишлаш корхоналари ташкил этарди, холос. Бинобарин, «Ким эдигу ким бўлди?» деган саволнинг жавобини ана шундай жонли мисоллар ёрдамида теран англаш ва уни электротарғат таъсирчан тарзда етказиш долзарб вазифамиздир.

— Мустиқиллик йилларида қишлоқ ҳўжалигида мутлақо янги иқтисодий муносабатлар жорий этилиб, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилди, — дея сўзини давом эттирди С.Турдиев. — Ҳозир фермер ҳўжаликлари нафақат қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 90-92 фоизини ишлаб чиқармоқда, балки қишлоқ тараққиёти учун маъсулиятини ўз зиммасига олган қудратли ижтимоий-сиёсий кучга айланиб бормоқда. Кези келганда қуйидаги қиёсий маълумотга эътибор қаратиш зарур: 1990 йилда аҳолининг озиқ-овқат товарлари, аввало, дон, картошка, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи импорт ҳисобидан

қопланган бўлса, айни вақтда уларнинг 96 фоизи ўзимизда ишлаб чиқарилаётир. Мустиқиллик йилларида аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,3 баробар, сут ва сут маҳсулотлари – 1,6 карра, картошка – 1,7 марта, сабзавот – 2 баробардан ортиқ, мева – қарийб 4 карра кўпайганини эл-юртимиз фаровонлиги тобора ортиб бораётганининг амалий тасдиғидир.

Маълумки, партияимиз электорати бўлган ижтимоий қатлам – ўрта синф мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг янада чуқурлаштирилишидан бошқа тоифалардан ҳам кўпроқ манфаатдордир. Бошқача айтганда, кичик бизнес



ва хусусий тадбиркорликка жамиятдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик таянчи сифатида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

Мустиқилликка қадар мамлакатимизда умуман мавжуд бўлмаган бу соҳа бугунги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоиздан ортигини ишлаб чиқармоқда. Мазкур тармоқда меҳнатга лаёқатли жами аҳолининг 75-77 фоизи бандлиги таъминланган. Улар барча ҳудудларда, хусусан, чекка-чекка қишлоқларда ҳам ободончилик, бунёдкорлик ишларини олиб боришга катта ҳисса қўшмоқда.



**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Мавлуда Ходжаева** таъкидлаганидек, сўнгги йилларда замонавий билан ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, мустиқил фикрлайдиган, она юртига меҳр ва садоқат туйғуси билан яшайдиган, ҳеч кимдан кам бўлмаган янги авлодни тарбиялаш борасида мислсиз ишлар олиб боришмоқда. Шулар қаторида фақат сўнгги 5 йилда мамлакатимизда 278 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 523 та спорт иншооти ва 100 дан зиёд сузиш ҳавзаси қурилгани ёки реконструкция қилингани, бугунги кунда 2 миллион нафар бола, жумладан, 840 мингдан ортиқ қиз спорт билан мунтазам шугулланаётганини мисол қилиб келтириш мумкин.

Бугун Ватанимизда ҳўкм сураётган тинч-осойишта ҳаёт, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик, чегараларимиз дахлсизлигини асраш, узоқ ва яқин атрафимиздаги давлатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустиқамлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар учун юртдошларимиз, айниқса, пир убадавлат отоҳона онаҳонларимиз шўкроналар келтирмоқда.

Турли минтақаларда хавф-хатар ва таҳдидлар кучайиб бораётган таҳликали замонда доимо огоҳ, сергак ва ҳўшёр бўлиб яшаш – ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб қилаётган энг муҳим ва долзарб вазифа эканлигини партиянинг ҳар бир аъзоси, айниқса, фаоллари билиши ва амал қилиши шарт.

**О'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Илҳом Ботиров** қайд этганидек, Ўзбекистон эришаётган ютуқ ва марралар дунё ҳамжамияти томонидан қайта-қайта тан олинганидан ҳар қанча фахрланасан арзийди. Хусусан, Жаҳон иқтисодий форуми эълон қилган рейтингда иқтисодиёти энг тез ривожланаётган давлатлар орасида Ўзбекистон ҳақли равишда 5-ўринни эгаллагани ҳар биримизга гурур-ифтиҳор бағишлайди. Шунингдек, БМТ кўмағида АҚШнинг Колумбия университети томонидан ташкил этилган ижтимоий тадқиқотлар асосида эълон қилинган бахтли давлатлар рўйхатида Ватанимиз МДҲ мамлакатлари орасида 1-ўринни эгаллагани изчил ислохотлар самарасининг яна бир халқаро эътирофидир. Бундай юксак натижаларнинг асосий омилли, биринчи навбатда, муҳтарам Юртбошимизнинг узоқни қўзлаб олиб бораётган одилона ва оқилона сиёсати, халқимизнинг фидокорона меҳнати, одамларнинг ижтимоий фаоллиги ортиб, фуқаролик позицияси мустиқамлашиб бораётганида аққол намоён бўлмоқда.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Виктор Пақнинг** фи-

крича, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустиқиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида белгилаб берилган вазифалар партияимиз зиммасига катта маъсулият юклайди. Энг аввало, ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Йиғилиш иштирокчилари бу борадаги тадбирларни тизимли ташкил этиш, жойлардаги ташвиқот ишларини янада кучайтириш, бунда чекка қишлоқларни ҳам қамраб олиш мақсадида Ижроия қўмита ва ҳар бир ҳудудий кенгаш ҳузурида партия фаоллари, маҳаллий депутатлар, партияга аъзо олим ва адиблар, хусусий тадбиркор ҳамда илғор фермерлардан иборат тарғибот гуруҳларини тузишга келишиб олдидлар. Президентимиз томонидан белгилаб берилган «Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган амалий учрашувлар, давра суҳбатлари ва жонли мулоқотлар ташкил этишда қарорда акс эттирилган ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида-алоҳида таъсирчан тадбирлар уюштириш мақсада мувофиқ, деган хулосага келдилар.

Бундай тадбирлар давомида, энг аввало, Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли – «Ўзбек модели»нинг мамлакатимиз учун ҳал қилувчи бир



пайтда энг тўғри, энг оқилона йўл сифатида танлангани, ўтган йиллар давомида бу йўл юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, ҳар бир оила, бутун жамиятимиз ҳаётида синовдан ўтиб, амалда ҳар томонлама ўзини оқлагани ва бугунги кунда амалий натижа бераётганига алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Масалан, Ўзбекистоннинг иқтисодий қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган замонавий давлатга айлангани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга берилаётган эътибор самараларини, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга гўзал бўлиб бораётгани, жумладан, қишлоқ жойларда муносиб турмуш шароитини яратиш, ижтимоий инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича амалга оширилаётган том маънодаги улкан ишларнинг мазмун-моҳиятини таҳлил қилиш ва кенг оммага етказиш партия фаолларининг бурчи ҳисобланади.

Ютуқларимиз ижодкори ва бунёдкори бўлган халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқарashi, меҳнатга, ҳаётга муносабати бутунлай ўзгариб, дахлдорлик туйғуси, ўз кучи ва имкониятларига бўлган ишончи мустиқамлашиб бораётгани, муҳтасар айтганда, мустиқил тараққиёт йўлида қандай марраларга эришган бўлсак, бунинг негизида аввало муҳим одамларимизнинг ўсиб бораётган сиёсий, ҳуқуқий, маданий савияси ва ижтимоий фаоллиги мужассам эканини махсус ўқувларда кенг тушунтиришимиз лозим.

Шунингдек, шиддатли ва нотинч замонда яшаётганимизни инобатга олган ҳолда, осойишта ҳаёт учун курашиш, керак бўлса, фидойилик кўрсатиб, доимо огоҳ, сезгир ва маънан уйғоқ бўлиб яшаш, энг катта бойлигимиз бўлмиш юртимиздаги миллатлар ва фуқаролараро аҳиллик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини кўз қорачиғидек асраш йўлида олиб борилаётган ишларнинг маъно-мазмунини очиб берувчи мақолалар тайёрлаш ва чоп этиш ҳам муҳим масалалардан биридир.

Кенгайтирилган қўшма йиғилишида, шунингдек, О'zLiDeP Сайловолди платформаси ва 2015-2019 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурининг жорий йил биринчи ярмидаги ижроси, депутатлик корпуси олдида турган долзарб вазифалар атрофида муҳокама қилинди. Партия тизимида кадрлар билан ишлаш, уларни танлаш, жой-жойига қўйиш, захирасини шакллантириш ва малакасини ошириш бўйича 2015 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек, «бугунги кунда амалга оширилаётган ислохот ва янгиланишлар жараёни бутун жамиятимиз, саховатли заминимизда яшаётган ҳар қайси инсонни амалий ишларга сафарбар этадиган умумий мақсадага айланиши учун барча имкониятларни ишга солади». Эл-юртимиз манфаати, она Ватанимизнинг равнақи ва келажаги учун бир ёқадан бош қикариб меҳнат қилишни партияимизнинг ҳар бир аъзоси ва фаоли ўзининг биринчи даражали вазифаси деб билади. Чунки мулк ҳам, мулкдорлар ҳам, ана шу ижтимоий қатлам манфаатларини ҳимоя қилиш учун сиёсий майдонга чиққан О'zLiDeP ҳам мустиқиллик меваасидир.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси томонидан партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси билан ҳамкорликда электорат вакиллари иштирокида амалий мулоқот ташкил этилди. Унда Президентимизнинг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида атрофлича сўз юритилди**

## Электорат экспертисаси

**Ақбар МУЗАФФАРОВ, «XXI asr»**

Тадбирда алоҳида таъкидлаганидек, фармонда белгиланган вазифалар ягона мақсад — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини жадал ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, маддиётнинг сиёсий рағбатлантириш, пировардида аҳоли турмуш даражаси ва сифатини юксалтиришга қаратилган.

Шуни унутмаслик керакки, ҳар қандай ҳужжат ижроси билан кучли. Бу эса парламент қўйи палатаси депутатларидан катта маъсулият ва фаоллик талаб этади, албатта. Шуни инобатга олган ҳолда, мазкур фармон ижросини таъминлашда фракцияимиз аъзолари фаол қатнашиб келмоқда. Қолаверса, депутатларнинг матбуотдаги чиқишларида фармондан келиб чиқадиган устувор вазифалар таҳлилий нуқтаи назардан баён қилинмоқда.

Ўзаро фикр алмашиш ва очик мулоқот майдонига айланган тадбир давомида, шунингдек, мазкур фармон асосида ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатасида қабул қилинган ҳамда Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибига киритилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун ҳам кенг муҳокама қилинди.

Шу масала юзасидан ўз нуқтаи назарини баён этган фракция аъзоларининг мазкур қонун доирасида «Аудиторлик фаолияти тўғрисида», «Фермер ҳўжалиги тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Хусусий корхона тўғриси-



да», «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида», «Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонунларга, шунингдек, Фуқаролик ва Солиқ кодексларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар хусусидаги маълумотлари мулоқотда бевосита қатнашган тадбиркор ва фермерларнинг фарқ қолдирмади. Фракцияимиз аъзоларининг фикрича, қонун тадбиркорлик фаолиятининг янада либераллаштирилиши, ҳўжалик юритувчи субъектлар эркинлиги ва иқтисодий мустиқиллигининг янада оширилиши, тадбиркорлик фаолияти йўлидаги тўсиқларнинг бартараф этилиши ҳамда иқтисодиётимизнинг жадал ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

— Президентимиз фармони ва унинг асосида ишлаб чиқилган қонун билан танишиш асосида микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер ҳўжаликлари фаолиятида режали текширишлар қўли билан тўрт йилда бир марта, бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларда қўли билан уч йилда бир марта ўтказиш белгиланаётгани, янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер ҳўжаликларининг молия-ҳўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки уч йил мобайнида режали текширувлардан ўтказилмаслиги биз учун айни муддаодир, — дейди «Тех Кафолат Люкс» МЧЖ раҳбари Аҳмад Нейбаев. — Бундай юксак эътибордан ўзини мулк эгаси, мулкдор деб билган ҳар бир ишбилармон қувониши табиий. Чунки эндиликда фаолиятимизга дуч келган пайтда аралашшига йўл қўйилмаслиги ҳуқуқий жиҳатдан мустиқамланмоқда.

— Дарҳақиқат, шундай. Бинобарин, О'zLiDeP Сайловолди дастурига ургу берадиган бўлсак, унда ҳам партияимизнинг муҳим вазифаларидан бири сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш алоҳида белгиланган, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзоси Муродилла Турсунов. — Яъни, бунда хусусий мулкни ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқларни бартараф этиш, мамлакатда бизнес юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштириш, соддалаштириш ва ошқоралигини таъминлаш орқали ортиқча бюрократик ғовларни олиб ташлаш назарда тутилган. Зеро, ушбу йўналишда энг муҳим механизм ҳам айнан давлат ва назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик субъектлари молиявий-ҳўжалик фаолиятига ноқонуний аралашини ҳолатларига чек қўйишдир.

Қонун билан танишиш асосида тадбиркор ва фермерлар ўзларини қизиқтирган саволларга ҳам атрофлича жавоб олдилар. Қолаверса, кун тартибидан мазкур масала юзасидан ўзларининг амалий тақлиф ҳамда тавсияларини билдирдилар. Жумладан, ушбу қонуннинг мазмун-моҳиятини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига янада кенгрок тушунтириш мақсадида жойларда амалий семинар ҳамда учрашувлар ташкил қилиш, уларда депутатлар, экспертлар ҳамда соҳа мутахассисларининг иштирокини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Бундай ёндашув қонунни яна бир бор электорат экспертизасидан ўтказиш баробарида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти вакиллариининг ҳуқуқий онгли юксалтиришда айни муддао бўлади десак, асло муболаға бўлмайди.



# ДЕПУТАТЛИК ГУРУХЛАРИДА

## ВАКОЛАТ — МАСЪУЛИЯТ ДЕГАНИ

**Маълумки, ўтган йили Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтган сайловда О`zLiDeP энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритди**

**Дилрабо РАҲМОНОВА,**  
О`zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши Мафжуравий ташвиқот-тарғибот ишлари бўлими мудири

Бу муваффақият мавжуд салоҳиятимизни намоён этиши баробарида партия тузилмалари ва унинг депутатлик бирлашмалари олдида улкан вазифалар турганлигини англатади. Зеро, амалдаги қонунлар ва Давлат дастурлари, Президентимиз фармонлари, ҳукумат қарорлари, шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида белгиланган вазифалар ижроси устидан назорат-таҳлил фаолиятини олиб бориш, депутатлик иш-тувларини ташкил этиш партияимиз вакиллари зиммасидаги асосий вазифалар сирасига киради.

Хусусан, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят, туман ва шаҳарлар кенгашларига сайланган жами 154 нафар депутат ҳам ўзларига билдирилган юксак ишонччи оқлаш учун берилган ваколатлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

Яқинда вилоят, шаҳар ва туман кенгашларидаги О`zLiDeP депутатлик гуруҳлари аъзолари иштирокатида «Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги О`zLiDeP депутатлик гуруҳларининг назорат функцияларини амалга ошириш ҳамда партиявий вазифаларни бажаришда партия органлари ва депутатларнинг ўзаро ҳамкорлигининг самарали усуллари» мавзуда амалий семинар ташкил қилинди.

Тадбир иштирокчилари гуруҳларга бўлиниб, депутатлик

гуруҳининг назорат-таҳлил фаолиятини ташкил этиш ва унинг якунларини йиғилишда муҳокама этиш, депутатлик гуруҳи мажлисида ижро ҳоқимияти вакилининг ҳисоботини тинглаш, мавжуд муаммолар бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, озиқ-овқат саноати ва кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришга доир лойиҳалар ижроси устидан депутатлик назоратини юритиш, қонун ижодкорлиги фаолиятида бошланғич ташкилотлардан тортиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О`zLiDeP фракцияси ўртасидаги ҳамкорликни муостаҳкамлаш юзасидан амалий машғулотлар ўтказишди.

Қайд этилганидек, жорий йилнинг биринчи ярмида депутатлик партиявий воситалар ёрдамида О`zLiDeP электорати манфаат-



ларини ифода этиш, жумладан, жойларда қўлай ишбилармонлик муҳитини қарор топтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни

янада ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, хусусий сектор ривожига халақит бераётган барча тўсиқ ва ғовлар-

ни бартараф этишга қаратилган қонунлар, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳалар

ижроси бўйича кенг миқёсли депутатлик назоратини олиб бордилар.

Чунинчи, ҳисобот даврида О`zLiDeP депутатлик гуруҳлари томонидан фуқароларнинг 100 га яқин мурожаати асосида тегишли идораларга депутатлик сўровлари юборилди. Шунингдек, партияимиз депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан халқ депутатлари кенгашлари мажлисларида 43 нафар мансабдор шахснинг ҳисоботи эшитилди. Доимий комиссияларга 40 га яқин таклиф киритилди. Вилоят ва туманлар кенгашлари сессияларида аниқ ғоя ва масалалар олиб чиқилди.

Мисол учун, қўлай инвестициявий муҳитни шакллантириш орқали иқтисодийга киритиладиган хусусий инвестициялар ҳажмининг жадал ўсишини таъминлаш юзасидан жавобгар шахсларнинг масъулликларини ошириш ҳамда депутатлик назоратини ўрнатиш мақсадида жорий йилдаги инвестициявий лойиҳаларнинг вило-

ятдаги ижроси юзасидан ҳудудий кенгашдаги депутатлик гуруҳимиз аъзолари томонидан вилоят Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи С.Ҳолиқовнинг ҳисоботи тингланди. Бунинг самараси шунда кўриндики, депутатлик доимий комиссия йиғилишларида мазкур масалага тааллуқли кўплаб асосли таклифларни илғари сурдилар.

Бундан ташқари, О`zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг «Мамлакатимизда 2014 йилда озиқ-овқат саноати соҳасида амалга оширилган манзилли дастурларнинг ижроси юзасидан жойларда фаол жамоатчилик ва партиявий назоратни таъминлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ маҳаллий кенгашлар депутатлари ҳудудларда озиқ-овқат ишлаб чиқаришга иқтисослашган замонавий корхоналарни барпо этиш, мавжудларини модернизация ва реконструкция қилиш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришга доир инвестиция лойиҳалари устидан депутатлик назоратини амалга ошириб, муайян ижобий натижаларга эришдилар. Амалдаги йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, вилоятда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш ва озиқ-овқат саноати соҳасида режалаштирилган 117 та лойиҳадан 32 таси тўла ишга туширилгани, бунинг самарасида 551 та янги иш ўрни яратилгани ҳам фикримизга далил бўла олади.

Хулоса тариқасида шуни айтиш керакки, халқ депутатлари ҳудудий ва маҳаллий кенгашларидаги партияимиз вакиллари О`zLiDeP Сайловолди платформасида белгиланган мақсадларни изчиллик билан рўёбга чиқариб, электорат ишончини амалий ишлар билан оқлашга интиляпти. Шу билан бирга улар ҳали бор куч ва имкониятлардан тўлиқ фойдалана олмаётганликларини алоҳида қайд этиш зарур. Оқорида баён этилган ижобий натижалар эса хотиржамликка асос бўлмаслиги керак.

### Масала сессияга киритилади

**Халқ депутатлари Наманган шаҳар кенгашидаги О`zLiDeP депутатлик гуруҳи таркибидан 15 нафар партия вакили жамланган. Улар электорат манфаатларидан келиб чиқиб, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқдалар**

**Аҳроржон МУСУРМОНОВ,**  
«XXI asr»

Ўтган ойда касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласи кўриб чиқилган. О`zLiDeP депутатлик гуруҳининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида эса унинг натижалари юзасидан шаҳар Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Шўҳрат Пулатовнинг ҳисоботи эшитилди.

Тадбирда таъкидланишича, жорий йилда шаҳардаги 17 та касб-хунар коллежини 114 та йўналиш бўйича 8678 нафар талаба таомиланган. Уларнинг аксарияти ишлаб чиқариш амалиётини шаҳардаги 4992 та корхона ва ташкилотларда ўтаган. Жумладан, саноат соҳасида 875, савдо ва хизмат кўрсатиш йўналишида

1748, таълим тизимида 1045, соғлиқни сақлаш муассасаларида 429 нафар битирувчи бўлажак иш фаолияти бўйича муайян кўникмага эга бўлган.

— Битирувчиларнинг кўпчилиги олий ўқув юртига ҳужжат топширган, — дейди депутатлик гуруҳи аъзоси Хуршид Рафиқов. — Лекин уларнинг ҳаммаси талаба бўла олади, дея олмаймиз. Шунинг учун ҳам август ойининг охирида бу масалани яна бир қарра ўрганиб, сунгра жойларда меҳнат ярмаркаларини ўтказиш мақсада мувофиқ, деган қарорга келдик.

— Ҳозир шаҳарда 6 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти фаолият юритаяпти, — дейди депутатлик гуруҳи раҳбари Б.Воҳидов. — Президентимизнинг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбир-

лар тўғрисида»ги фармони талабларидан келиб чиқиб ҳамда ҳудудда битирувчилар учун қўшимча тадбиркорлик тузилмалари ташкил этиш орқали янги иш ўринлари яратишга имконият етарли эканлигини ҳисобга олиб, Наманган шаҳар Бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда О`zLiDePнинг ёшларга оид лойиҳаларини амалга оширишга жиддий киришимиз лозим.

Муҳокамада сўз олган депутатлар Абдулло-сир Хожимирзаев, Файзулло Дадабоев ҳам кун тартибидан масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Депутатлик гуруҳи иштирокчилар таклифларини муҳокама этиб, ушбу масалани халқ депутатлари шаҳар кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритиш бўйича қарор қабул қилди.

### Етти ўлчаб бир кесган

**тадбиркор нафақат оиласи даромадини оширади, балки мамлакат равнақиға ҳам муносиб улуш қўшади**

**Дилора ЭСОНОВА,**  
«XXI asr»

Сирдарёда бўлиб ўтган «Мулкдор оила» лойиҳасининг вилоят босқичида ана шу фикрга алоҳида урғу берилди.

Мамлакатимизда мулкдорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. О`zLiDeP бу жараёнда истиқболли лойиҳаларни билан фаол иштирок этиб, ўрта синф сафининг кенгайишига ўзига хос ҳисса қўшиб келмоқда. Жумладан, «Мулкдор оила» лойиҳаси оилавий бизнес билан шуғулланаётганлар сонини кўпайтириш, уларга имтиёзли кредитлар бериш механизмининг такомиллаштириш, қишлоққа саноатни олиб кириш, илғор тажриба ва инновациялар, замонавий агротехник тадбирларни қўллаш, табиий ва муқобил энергия манбаларидан хусусий иш юритишда оқилона фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга йўналтирилган.

— Лойиҳа доирасида ўтказилаётган семинарларда қатнашаётган оилавий тадбиркорлик субъектлари ҳамда деҳқон хўжаликларини вакиллари ўз бизнес-режаларини амалга ошириш учун тижорат банкларидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини қўлга киритаяпти, — дейди О`zLiDeP Сирдарё вилоят кенгашининг Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қув-

ватлаш бўлими мудири Ўткир Жўраев. — 2014 йили «Мулкдор оила» лойиҳасининг туман ва шаҳар босқичларида иштирок этган 200 га яқин хусусий сектор вакилининг 63 та бизнес-режаси сараланиб, вилоят босқичида иштирок этишга тавсия этилганди. Лойиҳа якунида эса уларнинг 6 нафарига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

— Шаҳримизда бугунги кун талабларига жавоб берадиган стадион йўқ. Шу боис замонавий ўйингоҳ қуришга аҳд қилдим, — дейди ширинлик тадбиркор Абдухалил Ҳамидов.

Ёш тадбиркор Шоҳруҳ Обидов эса вилоятнинг Оқолтин туманидаги Фаргона шаҳарчасида истиқомат қилади.

— Оиламиз чорвачилик билан шуғулланади, — дейди у. — 30 сотихдан зиёд ер майдонимиз бор. Унда чорва учун озуқа бўладиган экинларни етиштирамиз. Мен кўйчиликни ривожлантиришга ҳаракат қилмоқчиман. Гулханой Бобокулова сайхунбодлик. У «Ойдин йўл» маҳалла фуқаролар йиғини раиси. Табиатан ташаббускор бўлган бу аёл фаолиятини ҳам кўпчиликка ибрат қилиб кўрсатиш мумкин.

— Дастлаб бозордан битта кичикроқ новос олиб, уни уч йил парваришладим. Кейин уни сотиб, пулига 3 та бузоқ олдим. Шу йўсин молларим кўпайди, — дейди

сергайрат аёл. — Секин-аста оиламнинг фаровонлиги ортди, уй сотиб олдим. Бугунги кунда 45 та қорамолим бор. Соғин сигирлар кунига 20-30 литрдан сут беради. Сутни ҳудудимиздаги музқаймоқ ишлаб чиқариш цехига топшираман.

Тадбиркорликни ўз маблаг асосида бошлаган Гулханойнинг келгусидаги режаси усуналар келтириб, сутни қайта ишлашни йўлга қўйишдан иборат.

О`zLiDePнинг «Мулкдор оила» танловидан Оқолтин туманидан келган Мўмин Тешабоев пахта чаноқларидан ем ишлаб чиқариш технологиясини жорий қилиш лойиҳаси билан қатнашди.

— Бу технологиянинг битта пахта қабул қилиш пунктига ўрнатилгани 20 та янги иш ўрни яратиш имконини беради, — дейди М.Тешабоев. — Ана шу тизимни синовдан ўтказиб, пахта чиқиндиси — чаноқдан ем ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. Бозордагидан арзон ва сифатли озуқа тайёрлаш мумкинлигига ишонч ҳосил қилдим. Бизнес-режада бу технологияни ўнга яқин пахта қабул қилиш пунктларида жорий қилиб, арзон озуқа ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш кўзда тутилган. Келгусида чаноқдан шам ва совун ишлаб чиқармоқчиман.

— Ўтган йили «Мулкдор оила» лойиҳасининг туман босқичида ғолиб бўлган 11 нафар ишбилармон вилоят босқичида қатнашиб, 7

нафарининг бизнес-режаси маъқуллангани, — дейди О`zLiDeP Боёв туман кенгаши раиси ўринбосари А.Шукур. — Уларга молия муассасалари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилди. Кези келганда, банклар томонидан тадбиркорлик фаолияти кенг қўллаб-қувватланаётганлигини алоҳида эътироф этиш жоиз. Аммо кредитни олишдан аввал етти ўлчаб бир кесган тадбиркоргина самарали фаолият юритиши мумкин. Ана шунда тадбиркор ҳақиқий мулкдорга айланади, мамлакатимиз ривожига ўзининг ҳиссасини қўшади.

Шунингдек, лойиҳа доирасида сайхунбодлик Ф.Жалолов ва ховослик Б.Жуматовнинг балкичиликни йўлга қўйиш, Х.Қосимовнинг сервиз хизмати кўрсатиш, Э.Жумашовнинг асаларичиликни ташкил қилиш, янгиерлик Э.Мамажоновнинг тикувчиликни кенгайтириш, ширинлик Н.Мамажоновнинг нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга оид лойиҳалари ҳам ўрганиб чиқилди.

Қайд этиш зарурки, бу йил лойиҳанинг туман ва шаҳар босқичларида иштирок этган 300 дан ортиқ субъект вакиллари орасидан 50 нафари сараланиб, вилоят босқичида иштирок этиш учун тавсия этилди. Лойиҳа якунида тижорат банклари томонидан уларнинг ўн нафарининг бизнес-режаси маъқулланди ва уларга тижорат банкларининг сертификатлари топширилди.

### Орифжон О`zLiDeP лойиҳаси туфайли тадбиркорликка қўл урди

**Жиззахда О`zLiDePнинг «Мулкдор оила» лойиҳаси вилоят босқичи ўтказилди. Унда партиянинг халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари аъзолари, мутасадди ташкилот ҳамда лойиҳанинг туман (шаҳар) босқичларидан муваффақиятли ўтиб, оилавий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш арафасида турган аҳоли кенг қатлами вакиллари иштирок этдилар**

**Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,**  
«XXI asr»

Тадбирда таъкидланганидек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш партиянинг доимий эътиборида турган масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада О`zLiDePнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси депутатлик гуруҳлари томонидан «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва тегишли қонуни ҳужжатлари ижросини таъминлашга қаратилган амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда вилоятда 31 та оилавий корхона рўйхатдан ўтган. Улар сафининг ўсиб бораётгани қувонарли ҳол, албатта.

Тақдимот давомида ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиш истагида бўлган 47 нафар иштирокчи учун махсус бизнес-семинар ташкил этилди. Шунингдек, оилавий корхоналар нисбатан кам бўлган Арнасой, Зафаробод, Янгибод

туманларида аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиш, соҳа мутахассислари, олимлар, катта тажрибага эга бўлган ишбилармонлар иштирокида ўтказиладиган тадбирларда замонавий бизнес-тренинг технологиялари, интерфаол усуллардан унумли фойдаланиш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Биз О`zLiDePнинг қидишқоқ жойларда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаймиз, — дейди тадбир иштирокчиларидан бири, зафарободлик Орифжон Юсупов. — Мен ҳам кўпдан бери оилавий тадбиркорлик билан шуғулланишни режалаштириб юрган эдим. Бироқ молия муассасаларидан кредит олиш, гаров қафолати каби ҳужжатларни расмийлаштиришда ҳуқуқий билимим етарли эмасди. Лойиҳанинг туман ва вилоят босқичида қатнашиб, жуда кўп нарсани ўргандим. Мазкур лойиҳа оилавий бизнесини

йўлга қўйишга ҳаракат қилаётганлар учун жуда қўл келмоқда, деб ишонч билан айта оламан. Томорқа йўналишидаги 11 миллион сўмлик бизнес-режа ташкилий қўмита томонидан маъқуллангани фикримнинг исботидир.

Тадбирда ҳамкор ташкилотлар, банк-молия тизими мутахассислари томонидан иштирокчиларга бизнес-режани амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари, кредитларни расмийлаштириш жараёни, солиқ ва бошқа масалалар юзасидан батафсил маълумотлар берилди. «Мулкдор оила» лойиҳаси партиянинг хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган бошқа лойиҳалари қатори оилавий бизнес билан шуғулланаётганлар сафини янада кенгайтириш, имтиёзли кредитлар механизмининг такомиллаштириш, қишлоққа саноатни олиб кириш, илғор тажриба ва инновацияларни оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.



# ПАРТИЯВИЙ ЛОЙИҲАЛАР

## АЁЛ СОҒЛОМ — ОИЛА МУСТАҲКАМ

Хотин-қизларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, турли зарарли иллатлардан асраш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида ўтказилаётган «Соғлом оила — мустаҳкам оила» партиявий лойиҳаси қашқадарёлик аёлларнинг севимли тадбирига айланиб улгурди. Йил сайин унда иштирок этиш ниятида бўлганлар сони ортиб бораётир. Бу йил лойиҳа доирасида ўтказилган тадбирларда 1,5 мингга яқин хотин-қиз қатнашди, уларнинг 300 нафари бепул тиббий кўриқдан ўтказилди

Сайфулла ИКРОМОВ,  
«XXI asr»



Президентимизнинг 2014 йил 1 августдаги «2014-2018 йилларда Ўзбекистон аҳолисининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсимирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан жойларда партия вилоят ташкилоти Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими ҳамда вилоят хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида давра суҳбатлари, семинар, соғломлаштириш тадбирлари ташкил этилмоқда.

— Соғлом онадангина соғлом фарзандлар дунёга келиши исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқатдир, — дейди бўлим бошлиғи Гулбахор Тўраева. — Ташкил этилаётган тадбирларда хотин-қизларнинг зарарли иллатлардан асрашга қаратилган тушунтириш-тарғибот ишларини кучайтирялмиш. Олий ўқув юртлири, касб-хунар коллежлари, мактаблар ва маҳаллаларда ўтказилаётган мулоқотлар ҳам яхши самара бераётти. Хотин-қизларимиз орасида спорт билан шуғулланаётганлар сони ортиб бормоқда. Айниқса, вилоятнинг тоғли ва чўл ҳудудларида истиқомат қилаётган ёш қизлар, уй бекаларини спорт тўғрақларига жалб этиш, улар уртасида турли мусобақалар ташкил этиш бўйича талай ижобий ишлар қилинди. Бугунги кунда вилоятда

9133 та умумий спорт секцияси ишлаб турибди. Уларга 370431 нафар хотин-қиз мунтазам қатнаб, ўз саломатликларини мустаҳкамлаяпти. Шундан 98059 нафарини уй бекалари ташкил этади.

Қарши давлат университетидан партия вилоят кенгаши томонидан мазкур лойиҳа доирасида иккита тадбир ташкил этилди. Талаба қизлар ва ўқитувчилар иштирокидаги тадбирда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, тадбиркорликни бошлаётганларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, оилаларга ижтимоий, ҳуқуқий, моддий ва маънавий

кўмак бериш борасида амалий ишлар бажарилаяпти.

— Маҳалламиз Яккабоғ туманининг чекка ҳудудида жойлашган, — дейди «Ўйгур» МФЙ раиси, туман кенгаши депутати Робия Соатова. — Хотин-қизлар малакали тиббий кўриқдан ўтиш учун туман марказига боришга мажбур эдилар. O`zLiDeP лойиҳаси доирасида ўтказилган тадбир жараёнида 38 нафар хотин-қиз малакали шифокорлар иштирокида тиббий кўриқдан ўтказилиб, аниқланган касалликлар бўйича шифохоналарга йўлланмалар берилди. Партиямиз ҳамкорлигида гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, чекиш, ОИТСга қарши курашда

оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги мавзусида тадбирлар ўтказилди. Хотин-қизларимиз оилада фақатгина фарзандлар тарбияси билан машғул бўлиб қолмасдан, балки иқтисодийетимизни юксалтириш, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Уларнинг меҳнат қилиши ва дам олиши учун қўлай шaroит яратиш, саломатлигини мустаҳкамлаш партияимизнинг дастурий мақсадларидан биридир. Жамиятда хотин-қизларнинг ролини кучайтириш ва макомини ошириш, ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш устувор вазифамиз бўлиб қолаверадир.

O`zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими Хотин-қизлар кўмитаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинмаси, «Маҳалла» жамоат фонди, Марказий банк бош бошқармаси билан ҳамкорликда «Аёлларнинг сиёсий фаоллигини ошириш — партиянинг устувор вазифаси» мавзусида давра суҳбати ўтказди

## Янада фаол, янада изланувчан бўлайлик

Ўз мухбиримиз

Тадбирда юртимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар мазмун-моҳияти тўғрисида батафсил маълумот берилиши баробарида хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни тадбиркорлик ва фермерлик фаолиятига кенг жалб этиш орқали янги иш ўринлари очиш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш каби долзарб масалалар муҳокама қилинди.

— 2014 йилда аёлларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, касбий, маънавий, интеллектуал салоҳиятининг ўсишига кўмаклашиш, меҳнат шaroитларини яхшилаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилди, — деди O`zLiDeP вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Шоҳиста Бозорбоева. — Жумладан, режа асосида қўллаб-партиявий тадбирлар ўтказилди. Хусусан, «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оила» лойиҳаси орқали аёллар ўртасида тадбиркорлик, фермерлик, хўнарамдчилик ва касаначилиқнинг аҳоли фаровонлигини оширишдаги муҳим ўрни кенг тарғиб қилинди.

Мазкур лойиҳа иштирокчиларидан 6 нафарига тижорат банкларидан 304 миллион сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилишига кўмаклашилди. Утган йилда бошланган ишлар давом эттирилиб, «Соғлом оила — мустаҳкам оила» лойиҳаси доирасида тиббиёт бирлашмалари билан ҳамкорликда шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида минг нафарга яқин аёл бепул тиббий кўриқдан ўтказилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Сирдарёда O`zLiDeP аъзоларининг 3542 нафарини хотин-қизлар ташкил қилади. Уларнинг кўпчилиги тадбиркор. Гулчехра Жонжигитова ана шундай қатъиятли, ўз олдига аниқ мақсад қўйган ва унга эришиш учун бор имкониятларини ишга солаётган партия фаолларидан биридир.

— Икки йил муқаддам Янгиер шаҳридаги қаровисз бинони таъмирлаб, «Нозигул Сардор Оқолтин» МЧЖга асос солгандик. Орадан кўп ўтмай, унинг негизда клиника ташкил қилди. Айни пайтда бу ерда неврологик, гинекологик хасталикларни даволаш йўлга қўйилган. Биохимик лаборатория ва ультратовуш диагностикаси ишлаб турибди. 27 нафар тиббиёт ходими зиммаларидаги вазифаларни бекам кўст удаламоқда. Айни пайтда Гулистон шаҳрида гайморит хасталигига чалинган беморларни даволашни йўлга қўйиш ҳаракатидамиз. Шу мақсадда Жанубий Кореядан тиббий усқуналар олиб келдик.

Анжуманда хотин-қизлар тадбиркорлигини янада ривожлантириш, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан атмосфера фикр алмашилди. Семинар иштирокчилари кун тартибидан ўз масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этиб, янада фаол, янада самарали ишлаш керак, деган тўхтамаги келишди.

## Аср билан юзма-юз

Янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда маҳалланинг ҳам алоҳида ўрни бор. Оилавий бизнесни йўлга қўйиш ҳисобига Сирдарё вилоятида биргина 2014 йилда 38 мингдан зиёд иш ўрни барпо этилган ҳам бежиз эмас.

Шунинг 8 минг 300 дан ортиғи янги тартибдаги тадбиркорлар ҳиссасига тўғри келади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сазй-ҳаракати билан бугунги кунда қишлоқларда яшовчи аҳолининг 6 минг 400 нафари паррандачилик, балиқчилик, асаларчилик йўналишларида фаолият юритишаётган бўлса, 1 минг 300 га яқини тикувчилик, касаначилик, хўнарамдчилик соҳаларида банд.

«Маҳалла» жамоат фондининг Сирдарё вилоят бўлими шахар ва туманларда аҳолининг кам даромадли қатламни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида қатор тадбирлар ўтказиб келяпти. Шу аснода тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлардан иборат ҳоимийлик кенгашлари ташкил қилинди. Улар томонидан кам таъминланган оилаларнинг 268 тасида никоҳ, 212 тасида суннат тўйлари ўтказиб берилди. Қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда уй-жойлари таъмирга муҳтож уруш қатнашчилари, ёлғиз кексаларнинг рўйхатлари шакллантирилди. Белгиланган дастурга мувофиқ, 2015-2017 йиллар мобайнида улар яшаётган хонадонлар жорий ва мукамил таъмирланади. Ҳовлилари ободонлаштирилади. «Кексаларни эъозлаш йили» Давлат дастури доирасида айни кунларда жойларда 100 ёшдан ошган кексаларнинг ҳолидан хабар олиш баробарида «Аср билан юзма-юз» тадбирлари ҳам ўтказиб келиняпти. Уларга ҳоимийларнинг совғасаломлари топшириляпти. Ана шундай оилаларнинг яшаш шaroитларини яхшилашга кўмаклашиш мақсадида турар-жойлари ҳашар йўли билан таъмирлаб берилмоқда.

Дилора ЗСОНОВА.

## Гўзаллик ва нафосат байрами

Фаргона шаҳридаги «Нефтчи» спорт мажмуасида Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» шиори остида аёллар спорт фестивали бўлиб ўтди.

«Кексаларни эъозлаш йили» Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Фаргона вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тўрт юз нафардан зиёд иштирокчи спортнинг бадий гимнастика, сузш, шахмат-шашка, волейбол, стол теннис каби турлари бўйича ўзаро баҳслашди.

Фестивалнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишнинг муҳим воситаларидан бири сифатида аёллар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, аёл соғлом бўлса, жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам бўлса, мамлакат барқарордир.

— Икки йилдан бери спорт гимнастикаси билан шуғулланаман, — дейди Қўштепа туманининг Гишмон қишлоғида истиқомат қилувчи Наргиза Мирзаева. — Спортнинг бу тури менинг қаққон ҳаракат қилишимга ёрдам бермоқда. Туманимизда спортнинг аёлларга хос турларини омалаштириш мақсадида «Соғлом қиз — соғлом она», «Спорт — саломатлик гарови», «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» каби мусобақалар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Мамлакатимизда хотин-қизлар спортини ривожлантиришга оид пухта ишлаб чиқилган ва изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар мазкур

йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Спорт фестивалида уй бекаларидан тортиб, ҳамшира, педагог, тадбиркор ва фермер аёллар фаол иштирок этди. Қатор номинациялар бўйича голиблар аниқланиб, ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Тадбир якунида ижро этилган дилрабо тароналар, мафтункор рақслар барчага бирдек завқ улашиб, хотин-қизларни даврага чорлади.

Ўз мухбиримиз.

Энг аввало алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича халқаро ҳамжамият олдидаги ўз мажбуриятларини тўлақонли бажаришга катта эътибор қаратмоқда. Бу борада юртимизда мустаҳкам ҳуқуқий асослар ҳам ишлаб чиқилган

гиёҳванд ўсимликлар майдонларини йўқ қилиш бўйича махсус операциялар мунтазам равишда амалга оширилмоқда.

Натижада жорий йилнинг дастлабки 5 ойи давомида гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний муомаласи, хусусан,

вишда юртимиз ҳудудига олиб кирилишининг олди олинди.

Тошкент вилояти божхона бошқармаси ходимлари эса Пискент туманида ўтказилган тезкор тадбир давомида шу туманда истиқомат қилувчи А.Маматовнинг жиноий қилми-

# «ЗАҲРИ ҚОТИЛ»НИНГ ЙЎЛИ ТЎСИЛГАН

камаймаётганлигини кўрсатмоқда. Афсуски, бутун дунёга тарқатилган гиёҳванд моддаларнинг асосий етиштирувчиси — Афғонистон билан чегарадош эканлигимизни ино-

авж олишида эса нарकोкурьерларнинг алоҳида «ҳисса»си бор.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, наркотик моддаларни ташувчилар бу «заҳри қотил»-

уларнинг юртимиз сарҳадлари орқали яширинча олиб ўтилишига қарши олиб борилган кенг қўламдаги чора-тадбирлар давомида 105 та қонунбузарлик фош этилиб, 109 кгдан ортиқ

**Жорий йилнинг дастлабки 5 ойи давомида гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний муомаласи, хусусан, уларнинг юртимиз сарҳадлари орқали яширинча олиб ўтилишига қарши олиб борилган кенг қўламдаги чора-тадбирлар давомида 105 та қонунбузарлик фош этилиб, 109 кгдан ортиқ гиёҳванд моддаларнинг йўли тўсилди.**

батта олсак, республикамиз ҳам ушбу глобал муаммо домидан четда эмаслиги ўз-ўзидан аён бўлади.

Мамлакатимизда гиёҳванд моддалар савдоси ва истеъмоллига қарши кескин чоралар қўрилаётган бўлса-да, хаётга энгил-елпи кўз билан қаровчи айрим ёшларнинг ҳамон бу оғу домига тушиб қолаётгани ачинаридир. Ярамас иллатнинг

ни мева-сабзавотлар ичида, қўл юклари, машиш буюмлар, кийим-кечаклар орасида, ҳатто инсон танасига яширган ҳолда олиб ўтишга уринмоқдалар.

Давлат божхона кўмитаси томонидан Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда трансмиллий наркогурўҳларнинг қонунга зид фаолиятига чек қўйиш, кон-трабанда каналларини ёпиш,

гиёҳванд моддаларнинг йўли тўсилди.

Жумладан, Сурхондарё вилояти божхоначилари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбир тўғрисидаги давлат фуқароси Н.Нуруллаев (мақоладаги исм-шарифлар ўзгартирилган) томонидан 19,2 кгдан ортиқ опийнинг яширин ра-

шларини фош этишди. У 18,7 кгдан ортиқ марихуанани сотишга уринган пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари томонидан қўлга олинди.

Сурхондарё вилояти божхоначилари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда Амударёнинг Термиз тумани ҳудудидаги қирғоқларида ўтказилган тезкор тадбир давомида «Мона» лақабли хизмат ити ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Унинг зийраклиги ва ҳид олиш маҳорати туфайли қирғоқдаги қамишлар орасига яшириб қўйилган полиэтилен коп топилди. Унда эса юртимизга яширинча олиб кириш учун қўзланган 3 турдаги 4,3 кгдан ортиқ гиёҳванд моддалар борлиги аниқланди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Давлат божхона кўмитаси Аҳборот хизмати.

## Ёшлар бандлиги — доимий эътиборда

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг замонавий билимларни пухта эгаллашлари, ўзлари танлаган соҳалар бўйича малакали мутахассис бўлиб етишишлари ҳамда самарали фаолият юритишлари учун барча шарт-шaroит яратилган. Айниқса, касб-хўнар коллежлари битирувчиларнинг келажаги ҳақида катта ғамхўрлик кўрсатишмоқда. Бу борада турли корхоналар билан йўлга қўйилган амалий ҳамкорлик, ҳудудларда ташкил этилаётган бўш иш ўринлари ярмаркаларини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Фаргона шаҳридаги истироҳат боғида шаҳар ҳокимлиги ва прокуратураси, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан ўтказилган тадбир ҳар жиҳатдан самарали бўлди, десак хато қилмаймиз. Унда 240 нафар, жумладан, 100 дан ортиқ йигит-қизга мутахассислиги, қизиқиши ва қобилиятидан келиб чиқилиб, турли корхона ва ташкилотларда доимий ишлаш учун йўлланма берилди. Эътиборлиси, уларнинг асосий қисми касб-хўнар коллежларини жорий ўқув йилда битирган ёшлардир. — Мен шаҳардаги электротехника касб-хўнар коллежида таҳсил олганман, — дейди Холида Усмонова. — Ярмаркада иштирок этиб, ўз соҳам бўйича «Азот» ОАЖга ишга қабул қилиндим. Бундан беҳад хурсандман. Тадбир давомида тўпланганларга меҳнат қонунчилиги, тадбиркорлик соҳасидаги имтиёз ва кафолатлар юзасидан зарур маслаҳат ва йўл-йўриқлар берилди. Муҳаммаджон АҲМАДЖОНОВ.

# ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

## ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШДИ

Тараққиётнинг бугунги босқичида давлат ва жамият ҳаётини фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис мамлакатимизда мазкур тузилмалар фаолиятига оид қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётда жорий этишга алоҳида эътибор берилляпти

**М.ТУРДИЕВА,**  
Навоий вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

«Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида», «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари шулар жумласидандир. Умуман олганда, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий мақоми, роли ва аҳамиятини кучайтиришга қаратилган 200 дан зиёд қонун ҳужжати қабул қилинган.

Хусусан, 2013 йилнинг 12 декабрида қабул қилинган «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қароридан ННТ тизимини кенг ривожлантириш, уларни ташкил этиш, фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий механизмлар ҳамда тартиб-таомилларни такомиллаштириш ва соддалаштиришга қаратилган қатор нормалар белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартдаги қарори билан тасдиқланган «Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ ННТлар томонидан

рўйхатдан ўтказувчи органга ҳисоботларни бир йилда бир марта топширилиши, ННТ томонидан режалаштирилган тадбирлар тўғрисидаги ахборотни ёки кўзда тутилган тадбирлар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда жойлардаги адлия органлари билан келишиш тартиби аниқ белгилаб қўйилди.

Ушбу ҳужжатга кўра, Ўзбекистон Республикаси ёки хорижий давлат ҳудудида ННТ томонидан ташкиллаштирилган конференция, семинар, тренинг, йиғилиш, акция, давра суҳбати, учрашув, симпозиум ва бошқа шахсларни тўплаш – тартиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ ННТлар томонидан

Низомда, шунингдек, адлия идоралари билан келишиш тарафида этилмайдиغان тадбирлар рўйхати берилган бўлиб, унга кўра, диний ташкилотлар томонидан ўтказиладиган диний расм-русумлар ва маросим тарзидаги тадбирларга Низом талаблари татбиқ этилмайди. ННТ уставига мувофиқ, унинг раҳбар органлари йиғилишлари, башарти уларда учинчи шахсларнинг (Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган оммавий ахборот воситалари вакилларидан ташқари) иштирок этиши назарда тутилмаган бўлса, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тегишли ҳуж-

жатларида назарда тутилган тадбирлар, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари томонидан тасдиқланган ёки улар билан келишилган режаларга мувофиқ ўтказиладиган оммавий жисмоний тарбия ва спорт тадбирларида ННТ вакилларининг иштироки учун адлия органлари билан келишиш шарт эмас.

Мухтасар айтганда, юқорида таъкидланган Низом тўғрисидаги бир қатор қулайликлар яратилдики, натижада жамоат ташкилотларида вужудга келиши мумкин бўлган тушунмовчиликларга тўлиқ барҳам берилди.

### ➤ ВОҚЕАЛАР, ШАРҲЛАР, ДАЛИЛЛАР

#### Йўловчилар учун яна бир қулайлик

Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги АКТ бўлими бош мутахассиси Баҳром Эгамбердиевнинг таъкидлашича, йўловчиларга транспорт хизматидан фойдаланишда яна бир қулайлик яратилляпти. Яъни, жамоат транспортларига GPS тизимини ўрнатиш устида иш олиб борилмоқда. Бугунгача 148 та йўловчи ташувчи автобусга GPS ўрнатиб бўлинди. Яқин келажақда яна 150 та жамоат транспортига шундай турдаги замонавий қурилмалар ўрнатилиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, автотранспорт соҳасини кенг миқёсда компьютерлаштириш, янги интерактив хизматларни жорий қилиш, юк ва йўловчи ташиш сифатини яхшилаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, янги тизим орқали автовокзалларга кузатув камераларини ўрнатиб, ягона диспетчерлик маркази ташкил этилиши ҳам режалаштирилган.

#### Сув келтирган азий

Вазирлар Маҳкамаси Олмалик шаҳри аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳамда сув таъминоти бўйича кўрсатиладиган хизматлар таннархини арзонлаштириш юзасидан қарор қабул қилди. Унга кўра, энергия ҳамда табиий бойликлар, мавжуд иқтисодий манбалардан унумли фойдаланган ҳолда замонавий технологияларни қўллаш асосида ушбу йирик лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Шунингдек, қарорда Олмалик «Сувқоқава» бирлашмаси маблаглари ҳисобига Даниянинг Grundfos компаниясидан 70 та сув насосини бутловчи қисмлари билан бирга 2,133 млн. еврога харид қилиниши маъқулланган. Мазкур бирлашмага эса истисно тариқасида тендер савдоларисиз ушбу хорижий компания билан шартнома имзолашга рухсат берилган.

#### Биринчиси бўлмас, иккинчисига улгурасиз!

«Ўзтемирйўлўловчигранс» компанияси маълумотида кўра, жорий йилнинг 25 июлидан бошлаб «Afrosiyob» тезюрар поезди Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида кунига икки марта қатнай бошляди. Маҳаллий аҳоли ва юртимиз меҳмонлари учун яратилган қулайликка биноан эрталаб 07:00 даги 1-рейсга улгурмаганлар 08:00 да Самарқанд сари йўл оладиган 2-рейсга бемалол улгурадилар. Ўз навбатида тезюрар поезди Самарқанддан 17:00 ва 18:00 да Тошкентга қайтади.



#### 38 та янги лойиҳа

«Ўзбекистон темир йўллари» АК яқин уч йил ичида Тошкент механика заводи (собиқ ТАПОиЧ)да умумий қиймати 380 миллион АҚШ доллари миқдорига тенг 38 та ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга оширишни режалаштирган. «Ўзбекистон темир йўллари» АК бошқаруви раиси ўринбосари Даврон Деҳқоновнинг таъкидлашича, ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш билан бирга замонавий электротехника маҳсулотлари тайёрлаш имконини яратади. Бундан ташқари, йилга 650 та юк ташиш вағони, жумладан, цемент, турли минераллар, 50 та йўловчи ташиш вағони, 300 та рефрижератор, 20-40 футлик 500 та контейнер ишлаб чиқарилиши ҳам режага киритилган. Тошкент механика заводида амалга оширилладиган мазкур лойиҳалар ер, мол-мулк солиқлари, шунингдек, мақсадли фондларга ўтказиладиган мажбурий тўловлардан озод қилинади.

Зиёдулла МҲМИНОВ.

#### Лобар қизлар, соғлом қизлар

Фаргона шаҳридаги ихтисослаштирилган Болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари бадийи ва спорт гимнастикаси мактабида 500 нафардан зиёд ўғил-қиз машғулотларда бемалол шугулланиши учун барча шароит яратилган. Бу ердаги тарбияланувчиларга 21 нафар малакали мураббий гимнастиканинг техник ва тактик сир-асрорларини ўргатиб келмоқда. Кейинги вақтларда барча шаҳар ва туманларда бадий гимнастика, енгил атлетика тўғрақлари ташкил этилиб, ҳозирда 3200 нафардан зиёд лобар қиз ана шу машғулотларга қатнашмоқда. Айниқса, спорт гимнастикаси мураббийси, «Шухрат» медали соҳибаси Елена Дружинина ёш гимнастикачи қизларни тарбиялаш, уларнинг спорт маҳоратини оширишга астойдил бел боғлаган. Гимнастика мактабида ушбу нафис спорт турини ривожлантириш, унга қизларни жалб этишга қаратилган эътибор ўз самарасини бераётгани ҳам шундан. Мухаммадҷон МАҲМУДОВ.

Энг улғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик кун тобора яқинлашмоқда. Андижонлик меъморлар, қурувчи-ю, тадбиркорлар ушбу кутлғ санани муносиб совғалар билан кутиб олишга одатланишган. Ана шу анъанадан келиб чиқилиб, қурилиш ва бунёдкорлик ишлари янада жадаллаштириляётир



## Тўйга тўёна билан

Эльмира РАҲМОНОВА,  
«XXI asr»

Андижон вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, эски шаҳар ҳудудидаги адабиёт ва санъат, ўлка-шунослик музейлари бирлаштирилиб, катта санъат ансамблига айлантириляди. Адабиёт ва санъат музейи жойлашган Жомеъ мемориал мажмуасини қай-

та реконструкция қилиш, унинг ҳудудида қўшимча иншоотлар барпо этиш кўзда тутилмоқда. Мажмуа атрофидаги майдонда сўлим хиёбон ташкил этиляди. Уни «Мърифат ва маънавият» кўчаси, деб номлашга қарор қилинган.

Шаҳардаги Олтинкўл кўчаси анчагина таъмирталаб бўлиб қолган эди. Ҳадемай бу кўча ҳам кенгайтирилиб, йўл ёқасида икки ва уч қаватли турар-жой

бинолари барпо этиляди. Биринчи қаватда маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолияти йўлга қўйилляди. Ҳозирда қурилиш ишлари бошлаб юборилган.

Оқравот кўчасида 107 та хонадондан иборат кўп қаватли «Қамолот уйи» қуриляди ва унга «Ёшлар кўчаси», деб ном берилляди.

Янги бозор ҳудудидаги Захириддин Мухаммад Бобур

майдонида мусиқали фаввора қурилиши аллақачон бошлаб юборилган. Майдонга туташ «Темирйўлчилар маданият уйи»да буюк мутафаккир, шоҳ ва шоир Бобур бобомиз фаолиятига оид музей ташкил этиляди.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда амалга ошириляётган қурилиш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларининг қўламини кенг Кексаю ёш бу хайрли ҳаракатдан четда қолаётгани йўқ.

#### «Мустақиллик — менинг тақдиримда»

Бўз туманида айни мавзуда катта анжуман ўтказилди. Унда кенг жамоатчилик вакиллари, тадбиркор ёшлар, маҳалла оқсоқоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимларидан иборат 600 нафарга яқин фуқаро иштирок этди. Анжуман дастурига кўра, аввал Қодиржон ота Турдиев оиласи ташаббуси билан бунёд этилган «Ўзбегим» мажмуасининг тантанали очилиш маросими бўлди. Турли тадбир ва байрамлар, тўй-тантаналар ўтказишга мўлжалланган ушбу маданий марказнинг бунёд этилишига 0' zLiDeP фаоли, «Ташаббус-2015» кўрик-танловининг республика босқичи совриндори Ферузбек Қодиров бош-қош бўлган. Унинг фойдаланишга топширилиши билан 80 та янги иш ўрни яратилди. Ишчи-хизматчиларнинг катта қисми коллеж битирувчиларидир. Мажмуанинг очилиш маросимида иштирок этган вилоят ҳокими Шухратбек Абдурахмонов мамлакатимизда тадбиркор ва ишбилармонларга яратилётган кенг имкониятлар, «Бетакорримсан, ягонасан, она-Ватаним — Ўзбекистоним» шiori остида давом эттириляётган Андижондаги бунёдкорлик ишларида мулкдорларнинг ҳиссаси ҳақида тўхталиб, ушбу кўркем маскан мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллик байрамига муносиб совга бўлганини алоҳида таъкидляди.

Тадбирда сўз олганлар бундай гўзал иншоотлар Юртбошимиз раҳнамолигида амалга ошириляётган изчил ислохотлар тўғрисида юзага келаяётганини фахр билан тилга олдилар. Тадбирнинг иккинчи қисмида ўзбек эстрадаси юдузлари ижросида катта концерт дастури намойиш этилди. Маҳалла фахрийлари, нуруний отахон-онахонларга эсдалик совғалари улашилди.

#### Тадбиркор ёшларга махсус сертификатлар

Фарғонада «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» республика танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси, тижорат банклари ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган танловда 120 нафар ёш саноат, ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги ва сервис хизмати сингари йўналишлар бўйича ўз бизнес-режаси билан иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантириш, айниқса, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирган ёшларнинг интилиши ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим дастуриямал бўлмоқда.

Танлов доирасида ташкил этилган семинар қатнашчиларига тадбиркорлик фаолиятига оид қонунчилик, бизнес-режа тузиш ва уни амалга оширишда банк кредитларидан самарали фойдаланиш каби мавзуларда батафсил маълумотлар берилди.

Энг яхши деб топилган 10 та бизнес-режа соҳиби танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

— Мамлакатимизда пухта билим олишимиз, турли ишланма ва лойиҳаларни яратиш, ишлаб чиқаришга жорий этишимиз учун барча шароит яратилган, — дейди Ўзбекистон туманининг Яйпан қишлоғида истиқомат қилувчи Саиджон Сотволдиев. — Мевани қайта ишлашни йўлга қўйиш бўйича тақдим этган бизнес-режа ҳам ҳайъат аъзолари томонидан юқори баҳоланганидан жуда хурсандман.

Тадбирда, шунингдек, ўттиз беш нафар ёшга ўз бизнес-режасини амалга ошириш учун имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи махсус сертификатлар топширилди.

Мухаммадҷон АҲМАДЖОНОВ.

#### ➤ РЕКЛАМА



2015 йил 27 июль куни

## Fitch Ratings

халқаро рейтинг агентлиги

«МИКРОКРЕДИТБАНК» АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ

халқаро рейтинг кўрсаткичини

## «БАРҚАРОР»

деб баҳоляди

Хизматлар лицензияланган.

# СЎНГГИ САҲИФА

➤ 2015 — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

## ҲЕЧ КИМ МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭМАС

Маълумки, 2015 йил мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилинган. Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури эса инсон омили ҳақидаги юксак ғамхўрликдан далолат беради

Аҳроржон МУСУРМОҢОВ,  
«XXI asr»

Зеро, унда фахрийлар ва ёши улғу инсонларнинг турмушини янада яхшилаш, уларни тизимли асосда соғломлаштиришни ташкил этиш, кўриш ҳамда эшитиш органлари, таянч-ҳаракат ва юрак-қон томир касалликларини даволашнинг замонавий усуллари билан қамраб олиш, ногиронларни ёрдамчи ҳамда техник реабилитация воситалари билан имтиёзли тарзда таъминлаш, ихтисослаштирилган санаторияларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалаларга кенг ўрин ажратилган.

Давлат дастури асосида Наманган вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасининг чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, тизимдаги барча даволаш-профилактика муассасаларига етказилган эди. Ҳўш, жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида унинг ижроси қай даражада амалга оширилди?

«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ва «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида ўтган қисқа даврда вилоятимиздаги шаҳар ва туман тиббиёт бirlашмалари, марказий поликлиникаларда умумий қиймати қарийб 1 млрд. сўмлик замонавий тиббиёт жиҳозлари, кўп тармоқли тиббиёт маркази урология бўлимига эса кексаларга жарроҳлик хизмати кўрсатишга мўлжалланган 300 млн. сўмликдан зиёд эндоурологик жамланма ўрнатилди, — дейди вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, Олий Мажлис Сенати аъзоси, O'zLiDeP вилоят кенгаши раиси Солижон Мўминов. — Бундай эътибор ва ғамхўрлик отахону онахонларнинг умрига умр қўшиб, уларнинг



соғлом ва фаровон яшашига хизмат қилмоқда.

Жорий йил февраль ойининг учинчи ҳафтасида вилоятнинг барча ҳудудларида республика ихтисослаштирилган ва илмий-амалий марказлари, илмий-текшириш институтлари ва тиббиёт олий таълим муассасаларининг етакчи мутахассислари иштирокида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ўтказилди. Унда 3405 нафар кекса қамраб олинди. Шунинг 115 нафари 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиси, 1228 нафари эса меҳнат fronti фахрийсидир. Кўрик домида турли касалликлари аниқланган 2417 нафар кишига амбулатор, 475 нафарига стационар шароитда, 199 нафари эса санаторийларда даволашни учун йўлланмалар берилди. Мазкур акция май ойида ҳам ишчил давом эттирилди. Унинг доирасида 501 нафар нурунийга амбулатор ва стационар шароитда хизмат кўрсатилиб, 25 нафар отахон ва

онахонлар учун санаторийларда даволашни имконияти яратилди. Умуман, жорий йилнинг олти ойи давомида 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларидан 170 нафари, меҳнат fronti иштирокчиларининг 5459 нафари тиббий кўриқдан ўтказилиб, соғломлаштирилди.

Фақат шугина эмас. Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида 600 нафар отахон ва онахонга имтиёзли асосда юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатилди. Бўғим касалликлари аниқланган беморлардан 7 нафарида реконструктив-тиклаш операциялари бажарилди. Ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз кексалар, 1941-1945 йиллардаги меҳнат fronti иштирокчилари, шунингдек, уруш қатнашчилари ва ногиронлари, уларга тенглаштирилган шахсларга жами 8,358,200 сўмлик бепул дори-дармонлар тарқатилди. Ярим йил мобайнида кекса ёшдаги фуқаролардан 97048 нафари чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Натияжада 92458 нафар фуқарода ёшга доир касалликлар

аниқланиб, уларнинг деярли барчаси диспансер назорати билан қамраб олинди. Шундан 80839 нафарининг тўла соғломлаштирилганлиги эътиборга молиқдир.

— Қариси бор уйнинг париси бўлади, — дейди С.Мўминов, — Кексаларга ҳурмат-эътибор кўрсатиш бизга ота-боболаримиздан мерос. Айниқса, Юртбошимизнинг доно сиёсати, узокни кўра билиши туфайли ҳаётимиз тобора янги маъно-мазмун касб этмоқда. Пиру бадавлат отахон-онахонлар бугун юксак ғамхўрлик билан қўраб олинганлиги ҳам бежиз эмас. Уларнинг умр йўли биз учун ибрат мактабидир. Бошқарма тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларида ҳозирда кўплаб ёши улғу шифокорлар ҳам меҳнат қилишмоқда. Бинобарин, уларнинг ҳурматини жойига қўйиб, билим ва тажрибаларини оммалаштиришга интилаёмиз. Зеро, соҳанинг қуйи бўғинларида «Маҳорат дарслари» машғуллотларини олиб боришда бундай инсонларнинг тажрибаси жуда қўл келмоқда.



2015 йил 27 июлда

# Fitch Ratings

ҳалқаро  
рейтинг агентлиги

«Асака»

акциядорлик-тижорат банкининг

ҳалқаро кредит рейтинг  
истиқболлини

## «БАРҚАРОР»

деб тасдиқлади

Хизматлар лицензияланган.

### Янги шифохона

Яқинда Фаргона вилоят силга қарши кураш диспансери қошида минтақавий ихтисослашган бактериологик лаборатория бўлими очилган эди. Ушбу бинони жаҳон стандартларига мос равишда мукамал таъмирлаш учун 67 миллион сўм сарфланди. Лабораторияга Германиянинг KFW банки ҳомийлигида 88,636 евро миқдоридagi тиббиёт асбоб-ускуналари ва «Дамас» русумли автомашина берилди. Шунингдек, диспансер моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2 донa суьий нафас олиш аппарати, марказдан узонда жойлашган ҳудудда яшовчи аҳолини флюорография кўригидан ўтказиш мақсадида «Прос-кан-2000» флюорография аппарати келтирилди. Диспансерда 2011-2015 йилларда 6,2 млрд. сўм эъзаига мукамал таъмирлаш, қайта қуриш ишлари олиб борилди. Бу ерда икки қаватли янги маъмурият, 3 қаватли даволаш бўлими ва қўшимча маиший бинолар фойдаланишга топширилди. Янги шифохонанинг очилиш маросимида Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббий маркази директор ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори З.Рашидов, мазкур марказ бўлим мудир, тиббиёт фанлари доктори П.Назаров, Андижон, Наманган вилоятлари сил касалликлари диспансерлари мутахассислари иштирок этдилар.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.


➤ РЕКЛАМА

# ROYAL STEEL


ВСЕ ДЛЯ ВАШЕЙ КРЫШИ



Металлочерепица и профнастил



Аксессуары



Для производства профнастила и металлочерепицы используется только качественное сырьё известных фирм Южной Кореи и России. Нашим Клиентам мы предлагаем гибкую систему скидок и высокую скорость обслуживания. Для постоянных клиентов созданы специальные условия.

Производство в Ташкенте

Тел.: (+99871) 272-17-02, (+99897) 703-72-72

Адрес: Учтепа-26, ул. Максуда Шейхзады, дом 1 (ориентир — завод «АКФА»)

ROYAL STEEL

www.royalsteel.uz

Товар сертифицирован.

## 3AZ FORZA

Автомобили для жизни!



Автосалон в Ташкенте

Тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99

ул. Усмана Насыра, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «РОУТАХТ»)

3AZ

www.sardor-avto.uz

Товар сертифицирован.

XXI ASR  
ЎТМОЙ-СІСОЙ ГАЗЕТА

МУАССИС-ТАДБИРКОРЛАР ВА  
ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ —  
O'ZBEKISTON LIBERAL-ДЕМОКРАТИК  
ПАРТИЯСИ

БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ: Озод РАҲАБОВ.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: Нотбият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: XXI\_ASR@mail.ru

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Буортма рақами: S 3595 Тираж: 10060

Баҳоиси келишилган нархда.

Топширилди — 20.00

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материалларига таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририятда терилди ҳамда дизайнер Маркс Юсупов томонидан саҳифаланди.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X



Навбатчилар:  
Б.ИСРОИЛОВ, Ф.НУРАЛИЕВ.